

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ДЕМОГРАФИК ТАВСИФИ

Рахматов М. М.¹, Буриев А.Я.², Умиров С.Э.³, Нуруллаева М.Ш.³, Атоева М.А.⁴,
Рахимова Х.Х.¹, Болтаев Л.Қ.¹, Ҳамроев И.Б.¹, Нурова Қ.А.¹

¹Бухоро вилояти ОИТС га қарши курашиш маркази, Бухоро, Ўзбекистон

²Қарши Давлат университети, Қарши, Ўзбекистон

³Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази,
Тошкент, Ўзбекистон

⁴Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

ДЕМОГРАФИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ ВИЧ- ИНФЕКЦИЕЙ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

Рахматов М. М.¹, Буриев А.Я.², Умиров С.Э.³, Нуруллаева М.Ш.³, Атоева М.А.⁴,
Рахимова Х.Х.¹, Болтаев Л.Қ.¹, Ҳамроев И.Б.¹, Нурова Қ.А.¹

¹Бухарский областной центр по борьбе со СПИДом, Бухара, Узбекистан

²Каршинский государственный университет, Карши, Узбекистан

³ Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников,
Ташкент, Узбекистан

⁴Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

DEMOGRAPHIC CHARACTERISTICS OF HIV INFECTION INCIDENCE IN BUKHARA REGION

Rakhmatov M.M.¹, Buriev A.Ya.², Umirov S.E.³, Nurullaeva M.Sh.³, Atoeva M.A.⁴,
Rakhimova H.H.¹, Boltaev L.Q.¹, Hamroev I.B.¹, Nurova Q.A.¹

¹Bukhara Region AIDS Center, Bukhara, Uzbekistan

²Karshi State University, Karshi, Uzbekistan

³Center for the development of professional qualification of medical workers, Tashkent,
Uzbekistan

⁴Bukhara State Medical Institute, Bukhara, Uzbekistan

https://doi.org/10.62209/SPJ/vol3_iss3-4/art11

Аннотация. Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) инфекцияси тарқалишининг ўзига хослиги, унинг жадаллигини белгиловчи демографик омиллар ўрганилиши ва баҳоланиши замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларидан биридир. Мақсад. ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг динамикасини ва демографик таркибини баҳолаш асосида тадбирлар самарадорлигини оширишдан иборат. Материаллар ва усуллар. Бухоро вилоятида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг жадаллиги, динамикаси ва жинс-ёш таркибини ақс эттирувчи расмий маълумотлар. Ижтимоий, эпидемиологик ва статистик усуллар қўлланилди. Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Бухоро вилоятида 1999-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг ўртача кўрсаткичи 5,5 дан (100 минг аҳоли-

га). 1999-2014 йилларда касалланишининг узлуксиз ўсиши, 2015-2022 йилларда нисбатан юқори кўрсаткичларда барқарорлашув тенденцияси кузатишмоқда. 1999-2022 йилларда эркаклар касалланишининг ўртача кўрсаткичи (6,9), умумий ўртача кўрсаткичдан (5,5) 1,3 марта, аёллар ўртача кўрсаткичидан (4,4) 1,6 марта юқори. 2006-2022 йиллар мобайнида вилоятда ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг ўртача кўрсаткичи 1,6 дан иборат. Касалланишининг таркибида 18 ёшгача болаларнинг ўртача улуши 6,6% ни таъкил этади. ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида 2007-2011 йилларда 0-3 ва 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг, 2012-2019 йилларда 7-14 ёш гуруҳидагиларнинг ва 2020-2022 йилларда 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши устувор. Хулоса. ОИВ инфекцияси билан касалланишни бошқаришга қаратилган тадбирлар эпидемиологик назорат тамойилига ва эпидемиологик таъхисот натижасига асосланиши лозим.

Калит сўзлар: ОИВ инфекцияси, динамикаси, жинс-ёш таркиби, жадаллиги, улуши

Аннотация. Изучение и оценка специфику распространения инфекции вируса иммунодефицита человека (ВИЧ) и демографические факторы, определяющие ее интенсивность является одним из актуальных проблем современной медицины. Цель. Заключается в повышении эффективности мер на основе оценки динамики и демографической структуры заболеваемости ВИЧ-инфекцией. Материалы и методы. Официальные данные, отражающие уровень, динамику и половозрастной состав ВИЧ-инфекции в Бухарской области. Использовались социальные, эпидемиологические и статистические методы. Результаты и их обсуждение. Средний показатель ВИЧ-инфекции в Бухарской области за 1999-2022 годы составляет 5,5 (на 100 тыс населения). В период 1999-2014 гг. наблюдается непрерывный рост заболеваемости, а в 2015-2022 гг. - тенденция стабилизации относительно на высоком уровне. В 1999-2022 гг. средний уровень заболеваемости мужчин (6,9) в 1,3 раза превышает общий средний уровень заболеваемости (5,5) и в 1,6 раза выше среднего уровня заболеваемости женщин (4,4). За 2006-2022 годы средний показатель заболеваемости ВИЧ-инфекцией детей до 18 лет в регионе составляет 1,6. Средняя доля детей в возрасте до 18 лет в структуре заболеваемости составляет 6,6%. В заболеваемости детей до 18 лет ВИЧ-инфекцией преобладает доля возрастных групп 0-3 и 4-6 в 2007-2011 гг., возрастной группы 7-14 лет в 2012-2019 гг. и возрастной группы 15-17 лет в 2020-2022 гг. Заключение. Меры, направленные на борьбу с заболеваемостью ВИЧ-инфекцией, должны основываться на принципе эпидемиологического надзора и результатах эпидемиологической диагностики.

Ключевые слова: ВИЧ-инфекция, динамика, половозрастной состав, интенсивность, доля

Abstract. Studying and evaluation of the specifics of the spread of Human immunodeficiency virus (HIV) infection and the demographic factors that determine its intensity is considered as one of the main issues of modern medicine. Purpose. To increase the effectiveness of measures based on assessing the dynamics and demographic structure of the incidence of HIV infection. Materials and methods. Official data reflecting the level, dynamics and age-sex composition of HIV infection in the Bukhara region. Social, epidemiological and statistical methods were used. Results and its discussion. The average HIV infection rate in the Bukhara region for 1999-2022 is 5.5 (per 100 thousand population). In the period of 1999-2014 there is a continuous increase in incidence, and in 2015-2022. - tendency to stabilize at a relatively high level. In 1999-2022 the, average incidence rate for men (6.9) is 1.3 times higher than the overall average incidence rate (5.5) and 1.6 times higher than the average incidence rate for women (4.4). For 2006-2022, the average incidence of HIV infection in children under 18 years of age in the region is 1.6. The average share of children under 18 years of age in the morbidity structure is 6.6%. The incidence of HIV infection in children under 18 years of age is dominated by the age groups 0-3 and 4-6 in 2007-2011, the age group 7-14 years in 2012-2019. and age group 15-17 years in 2020-2022. Conclusion. Measures aimed at combating the incidence of HIV infection should be based on the principle of epidemiological surveillance and the

Keywords: *HIV infection, dynamics, gender and age structure, intensity, share.*

Кириш. Жаҳонда ва айрим давлатларда ОИВ инфекцияси бўйича кузатилаётган жорий вазият алоҳида минтақалар ва ҳудудлар доирасида эпидемик жараёнинг жадаллигига таъсир этувчи сабабкор омиллар чуқур ўрганилиши, ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатлари аниқланиши, саъй-ҳаракатларнинг минтақавий “хавф омиллари” ва “хавф гуруҳлари”га қаратилиши зарурлигини тақозо этади [1,2].

UNAIDS (Joint United Nations Programme on HIV/AIDS- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури) томонидан 2023 йилда эълон қилинган Глобал статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда жаҳонда ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларнинг умумий сони 39 миллион нафардан, жумладан 14 ёшгача болалар сони 1,5 миллион нафардан иборат. Жаҳонда ОИВ инфекцияси билан касалланиш жадаллиги тобора пасайиб бораётган айни пайтда, таассуфки, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида касалликнинг янги ҳолатларининг қайд этилиши 2010 йилга нисбатан 2022 йилда 49% га ошган [3,4].

Ушбу ҳолатлар ОИВ инфекциясининг эпидемик жараёни самарали бошқарилиши учун, турли минтақаларда унинг жадаллигини белгиловчи барча омиллар атрофича ўрганилиши, аҳолининг алоҳида қатламлари орасида, хусусан болалар ўртасида касаллик тарқалишининг ўзига хослиги таҳлил этилиши ва баҳоланиши зарурлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан Бухоро вилояти мисолида ОИВ инфекцияси эпидемик жараёнининг фаоллигини белгиловчи омилларнинг ўрганилиши, ушбу нозологияни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш борасидаги тавсияларнинг ишлаб чиқиши муҳим илмий-амалий аҳамиятга моликдир.

Тадқиқотнинг мақсади. ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг

динамикасини ва демографик таркибини баҳолаш асосида тадбирлар самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Мазкур тадқиқот амалга оширилиши учун Бухоро вилоятида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг жадаллиги, динамикаси ва жинс-ёш таркибини акс эттирувчи маълумотлар таҳлил этилди. Мазкур маълумотларнинг бирламчи манбаи сифатида 1992-2022 йиллар мобайнидаги ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг акс эттирувчи йиллик ҳисоботлардан (Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш марказларининг расмий маълумотларидан) фойдаланилди. Бухоро вилоятида 2000 йилга қадар ОИВ инфекцияси ташхис этилган пациентларнинг мутлоқ аксариятини - (85,7%) 1992 йилда мазкур касаллик аниқланган хорижий фуқаролар ташкил этади.


Тадқиқотни бажариш жараёнида ижтимоий, эпидемиологик ва статистик усуллар қўлланилди. Ўртача хатолик (м) ва ишонарлилик даражаси (р) ҳисобланди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Бухоро вилоятидаги ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг демографик тавсифини баҳолаш учун касалликнинг янги ҳолатлари қайд этилишининг кўп йиллик (1992-2022 йй.) динамикаси таҳлил этилди. Бухоро вилоятида **ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг дастлабки ҳолатлари** 1992 йилда эпидемиологик кўрсатма асосида текширилган хорижлик фуқароларда қайд этилган. ОИВ инфекцияси вилоят фуқаролари ўртасида дастлаб 1999 йилда аниқланган. Шунга кўра, касалланиш динамикасининг кейинги таҳлилларида бу жиҳатлар инобатга олинди.

1999-2022 йиллар мобайнида касалланишнинг инцидентлик кўрсаткичи 100 минг нафар аҳолига нисбатан 0,07 дан (2000 й.) 9,9 га (2017 й.) қадар тебраниб тур-

ган. Ўртача интенсив кўрсаткич 5,5, медиана-си - 5,6 (0,08-9,67) дан иборат (1-расм). 1999-2014 йиллар мобайнида касалланишнинг

узлуксиз ва кескин ўсиши қайд этилган. Касалланиш кўрсаткичи 2014 йилда (8,3)




1-Расм. Бухоро вилоятида ОИВ инфекцияси билан касалланиш динамикаси, 1992-2022 йй. (хар 100 минг нафар аҳолига нисбатан)

умумий ўртача касалланиш кўрсаткичига (5,5) караганда 1,5 марта юқорилиги, 2000 йилдаги касалланиш кўрсаткичига (0,07) нисбатан эса 118,7 марта ўсганлиги кузатилди ($p < 0,001$). 1999-2014 йиллар мобайнидаги касалланишнинг ўртача кўрсаткичи (4,1), умумий ўртача кўрсаткичга (5,5) нисбатан 1,3 марта паст. 2015-2022 йиллар давомида вилоят аҳолиси ўртасида **ОИВ инфекциясининг** нисбатан юқори кўрсаткичларда барқарорлашув тенденцияси кузатилиб, мазкур йиллардаги ўртача кўрсаткич 8,2 ни ташкил этган. 2015-2022 йиллар мобайнидаги касалланишнинг ўртача кўрсаткичи, умумий ўртача кўрсаткичга (5,5) нисбатан 1,5 марта, 2000-2014 йиллар мобайнидаги ўртача кўрсаткичга (4,1) нисбатан эса 2 марта юқори ($p < 0,001$).

Вилоятда ОИВ инфекцияси билан эркак жинсига мансуб шахсларнинг касалланиши 1999-2022 йиллар мобайнида 100 минг нафар аҳолига нисбатан 0,14 дан (1999-2000 йй.) 12,48 га (2017 й.) қадар

тебраниб турган (2-расм). Ўртача интенсив кўрсаткич 6,9, медианаси - 6,44 (0,14-11,76) дан иборат. Эркаклар касалланишининг ўртача кўрсаткичи, умумий ўртача кўрсаткичга (5,5) нисбатан 1,3 марта юқори ($p < 0,05$).


Бухоро вилоятида аёл жинсига мансуб шахслар ўртасида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг дастлабки ҳолати 2001 йилда қайд этилган бўлиб, 2001-2022 йиллар мобайнида 100 минг нафар аёлларга нисбатан касалланиш кўрсаткичи 0,14 дан (2001-2002 йй.) 7,72 га (2014 й.) қадар тебраниб турган. Ўртача интенсив кўрсаткич 4,4, медианаси - 4,8 (0,14-7,6) дан иборат. Аёллар касалланишининг ўртача кўрсаткичи, умумий ўртача кўрсаткичга (5,5) нисбатан 1,3 марта, эркаклар касалланишининг ўртача кўрсаткичига (6,9) нисбатан 1,6 марта пастроқ ($p < 0,05$).



2-Расм. Бухоро вилоятида ОИВ инфекцияси билан касалланиш динамикасининг жинслар бўйича таҳлили, 1992-2022 йй. (ҳар 100 минг нафар аҳолига нисбатан)

ОИВ инфекцияси янги ҳолатларининг жинсий таркибини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, умумий пациентлар ўртасида эркакларнинг ҳиссаси динамикада 45,0% дан (2009 й.) 100,0% гача (1999-2000 й.) кўламда бўлиб, ўртача 66,1% дан иборат. 1999-2006 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг жинсий таркибида эркаклар

ҳиссаси ўртача (66,1%) ҳиссадан юқори, 2007-2020 йилларда эса ўртача ҳиссадан паст. Жинсий таркибда эркакларнинг энг паст ҳиссаси (45,0%) 2009 йилда кузатилган бўлиб, 2010 йилдан бошлаб аста-секин оша бошлаган ва 2021 йилга келиб 71,3% ни ташкил этган (3-расм).




3-Расм. Бухоро вилоятида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг жинсий таркиби(%), 1992-2022 йй.

Умумий пациентлар ўртасида аёлларнинг ҳиссаси динамикада 7,7% дан (2001 й.) 55,0% гача (2009 й.) кўламда тебраниб, ўртача 33,9% дан иборат. Яъни, ОИВ инфекцияси билан касалланганларнинг жинсий таркибида аёлларнинг ўртача ҳиссаси, эркакларнинг ўртача ҳиссасига (66,1%) қараганда 1,9 марта камроқ ($p < 0,05$).

Бизнинг фикримизга кўра, вилоятда ОИВ инфекцияси дастлаб тарқала бошлаган 1999-2006 йилларда эркаклар ҳиссасининг устуворлиги, мазкур даврда касалликнинг аксарият гиёҳванд моддалар инъекцияси орқали юққанлиги, сўнгги йилларда эркаклар ҳиссасининг қайтадан ўса бошлаши эса, бу даврга келиб касалланганлар ўртасида мигрантлар ҳиссаси ошаётганлиги билан изоҳланиши мумкин. Зеро, гиёҳванд

моддалар инъекцияси ва ташқи миграция каби ҳолатлар (хавф омиллари) билан, аёлларга нисбатан эркак жинсига мансуб шахслар кўпроқ тўқнаш келишади.

Бухоро вилоятида 18 ёшгача болалар ўртасида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг дастлабки ҳолати 2006 йилда қайд этилган бўлиб, 2006-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг ўртача кўрсаткичи 100 минг нафар болаларга 1,6 бўлиб, фақатгина 2020 йилда болалар ўртасида касаллик ҳолати қайд этилмаган (4-расм). Қолган йилларда 0,2 дан (2006 й.) 2,8 га (2014 й. ва 2016 й.) қадар тебраниб турган. Медиана – 1,5 (0,5-2,6). Вилоятда 18 ёшгача болалар



4-Расм. Бухоро вилоятида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг ёш гуруҳлари бўйича динамикаси, 2006-2022 йй. (ҳар 100 минг нафар аҳолига нисбатан)


касалланишининг кўрсаткичлари 2006-2008 йиллар мобайнида ва 2017-2022 йилларда ўртача кўрсаткичдан паст, 2009-2016 йилларда эса ўртача кўрсаткичдан юқори, 2019 йилдан буён болалар ўртасида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг пасайиши

кузатилмоқда. Лекин шунга қарамасдан, вилоятда ОИВ инфекцияси билан болалар касалланишининг 2022 йилдаги кўрсаткичи (0,5), бошланғич – 2006 йилдаги кўрсаткичга (0,2) нисбатан 2,5 марта юқори. Бухоро вилоятида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача

болалар касалланишининг 2006-2022 йиллар мобайнидаги ўртача йиллик ўсиш суръати 8,8% дан иборат.

2006-2022 йиллар мобайнида Бухоро вилояти аҳолисининг ОИВ инфекцияси билан

касалланиши таркибида 18 ёшгача болаларнинг улуши ўртача 6,6% ни ташкил этган. 2020 йил истисно этилса, 1,6% дан (2006 й.) 12,0% га (2009 й.) қадар тебраниб турган (5-расм).



5-Расм. ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг ёш таркибида 18 ёшдан юқори ёшлилар ва болалар улушининг динамикаси, 2006-2022 йй. (%)

Вилоятда ОИВ инфекцияси билан касалланиш таркибида болаларнинг улуши 2006-2007 йилларда, 2015 йилда ва 2017-2022 йиллар мобайнида ўртача улушдан (6,6%) паст, аксинча 2008-2014 йиллар мобайнида ва 2016 йилда ўртача улушдан юқори бўлган.

18 ёшдан юқори ёш гуруҳидаги пациентлар улуши эса 88,0% дан (2006) 100,0% га (2020) қадар кўламда бўлиб, ўртача 94,0% ни ташкил этган.

ОИВ инфекциясига нисбатан хавф гуруҳлари борасида қатъий эътироф этилган анъанавий қарашларга зид равишда, аҳолининг касалланиши таркибида болалар улушининг сезиларли даражада юқорилиги боис, 18 ёшгача болалар касалланишининг таркиби янада кичикроқ ёш гуруҳларига ажратиб таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ. Бухоро вилоятида 2007-2022 йиллар мобайнида 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида 0-3 ёш гуруҳидаги болаларнинг улуши ўртача 17,3% ни, 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 24,1% ни, 7-14 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 48,1% ни ва 15-17 ёш гуруҳи-

дагиларнинг улуши эса 10,5% ни ташкил этган. Бухоро вилоятида 0-3 ёш гуруҳидаги болалар ўртасида таҳлил этилаётган йилларнинг 5 йилида (2013, 2017, 2018, 2020 ва 2022 йилларда) ОИВ инфекцияси қайд этилмаган. Қолган йиллар мобайнида эса 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида мазкур ёш гуруҳидагиларнинг улуши 6,3% дан (2016 йил) 83,3% гача (2008 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда 2007-2010 йиллар мобайнида 0-3 ёш гуруҳидаги болаларнинг улуши ўртача улушдан (17,3%) юқори, касаллик қайд этилган бошқа йилларда эса ўртача улушдан паст (1-жадвал). 4-6 ёш гуруҳидаги болалар ўртасида 2008 йилда ва сўнгги 7 йил – 2016-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси қайд этилмаган. Касаллик кузатилган йиллар мобайнида эса 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 7,7% дан (2014 йил) 83,4% гача (2011 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда 2007 йилда ва 2009-2013 йиллар мобайнида ўртача улушдан (24,1%) юқори, 2014-2015 йилларда эса ўртача улушдан паст эканлиги аниқланди.

1-Жадвал. Бухоро вилоятида 18 ёшгача болаларнинг ОИВ инфекцияси билан касалланиши таркибида турли ёш гуруҳларининг улуши, 2007-2022 йй. (%)

Йиллар	ОИВ инфекцияси билан касалланишган 18 ёшгача болаларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши, %			
	0-3	4-6	7-14	15-17
2007	33,3	33,3	33,3	0
2008	83,3	0	16,7	0
2009	50,0	33,3	16,7	0
2010	50,0	50,0	0	0
2011	8,3	83,4	8,3	0
2012	9,1	54,5	36,4	0
2013	0	45,5	54,5	0
2014	7,7	7,7	69,2	15,4
2015	12,5	12,5	62,5	12,5
2016	6,3	0	93,7	0
2017	0	0	85,7	14,3
2018	0	0	100,0	0
2019	14,3	0	28,6	57,1
2020	0	0	0	0
2021	14,2	0	42,9	42,9
2022	0	0	0	100,0
Ўртача	17,3	24,1	48,1	10,5

7-14 ёш гуруҳидагилар ўртасида 2010, 2020 ва 2022 йилларда ОИВ инфекцияси кузатилмаган. Касаллик қайд этилган йиллар мобайнида эса 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида мазкур ёш гуруҳидагиларнинг улуши 8,3% дан (2011 йил) 100,0% гача (2018 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда 2007-2009, 2011-2012, 2019 ва 2021 йилларда ўртача улушдан (48,1%) паст, 2013-2018 йилларда эса ўртача улушдан юқори.

Вилоятда 15-17 ёш гуруҳидагилар ўртасида 2007-2013, 2016, 2018 ва 2020 йилларда ОИВ инфекцияси кузатилмаган. Касаллик қайд этилган йиллар мобайнида эса 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида мазкур ёш гуруҳидагиларнинг улуши 12,5% дан (2015 йил) 100,0% гача (2022 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда

касалланиш кузатилган барча йилларда ўртача улушдан (10,5%) юқори эканлиги аниқланди.

2007-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибини янада кичикроқ ёш гуруҳларига ажратиб таҳлил этиш натижасида касалликнинг эпидемиологик таъхисотида доир қимматли маълумотлар олинди. Хусусан, Бухоро вилоятида кузатишнинг дастлабки йилларида – 2007-2011 йилларда 0-3 ва 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг улуши устуворлик қилган бўлса, 2012-2019 йилларда 7-14 ёш гуруҳидагиларнинг ва 2020-2022 йилларда 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши устуворлик мавқеини эгаллаган. Мазкур қонуниятнинг туб сабабларига аниқлик киритилиши учун, 18 ёшгача болаларнинг ОИВ инфекцияси би-

лан касалланишини клиник-эпидемиологик жиҳатдан мажмуавий тарзда ва замонавий лаборатор усулларни қўллаб янада атрофлича тадқиқ этиш тақозо этилади.

Хулосалар. Бухоро вилояти аҳолиси ўртасида, 1999-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекциясининг инцидентлиги 0,07 дан (2000 й.) 9,9 га (2017 й.) қадар тебраниб турган ва ўртача кўрсаткич 5,5 дан иборат. Касалланиш динамикасида икки давр фарқланиб, 1999-2014 йиллар мобайнида касалланишнинг узлуксиз ўсиши (ўртача кўрсаткич 4,1), 2015-2022 йиллар давомида эса барқарорлашув тенденцияси (ўртача кўрсаткич 8,2) қайд этилган, яъни касалланиш даражаси юқори даврда паст даврдагига қараганда 2 марта юқори ($p < 0,001$). Демак, сўнгги 8 йил мобайнида вилоятда аҳолининг ОИВ инфекцияси билан касалланишини белгиловчи хавф омилларининг мажмуавий таъсири деярли ўзгаришсиз қолмоқда.

Умумий пациентлар ўртасида аёлларнинг ўртача ҳиссаси (33,9%), эркекларнинг ўртача ҳиссасига (66,1%) қараганда 1,9 марта камроқ ($p < 0,05$). Вилоятда таҳлил этилаётган йиллар (1999-2022 йй.) мобайнида ОИВ инфекцияси билан касалланганларнинг жинсий таркиби муайян ўзгаришларга учрамоқда. Мазкур ҳолат, ОИВ инфекцияси эпидемик жараёни жадаллигини ва касаллик юқишининг жинсий таркибини белгиловчи омиллар динамикасининг бевосита оқибати ҳисобланади. Вилоятда ОИВ инфекцияси дастлаб тарқала бошлаган йилларда эркеклар ҳиссасининг устуворлиги, мазкур даврда касалликнинг аксарият гиёҳванд моддалар инъекцияси орқали юққанлиги, сўнгги йилларда эркеклар ҳиссасининг қайтадан ўса бошлаши эса, бу даврга келиб касалланганлар ўртасида мигрантлар ҳиссаси ошаётганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Бухоро вилоятида 2006-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг ўртача кўрсаткичи 1,6, ўртача йиллик ўсиш суръати 8,8% дан иборат. Вилоят аҳолисининг ОИВ инфекцияси билан касалланиши таркибида 18 ёшгача болаларнинг улуши ўртача 6,6%

ни ташкил этган ва 1,6% дан 12,0% га қадар тебраниб турган. ОИВ инфекцияси билан аҳоли касалланишининг таркибида болалар улушининг аҳамиятли даражадаги мавқеи, касалликнинг соғлиқ сақлаш билан боғлиқ инфекция кўринишида тарқалаётганлигини кўрсатади.

Бухоро вилоятида 2007-2022 йиллар мобайнида 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида 0-3 ёш гуруҳидаги болаларнинг улуши ўртача 17,3% ни, 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 24,1% ни, 7-14 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 48,1% ни ва 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши эса 10,5% ни ташкил этган. Кузатишнинг дастлабки йилларида – 2007-2011 йилларда 0-3 ва 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг улуши устуворлик қилган бўлса, 2012-2019 йилларда 7-14 ёш гуруҳидагиларнинг ва 2020-2022 йилларда 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши устуворлик мавқеини эгаллаган. Мазкур қонуниятнинг туб сабабларига аниқлик киритилиши учун, 18 ёшгача болаларнинг ОИВ инфекцияси билан касалланишини клиник-эпидемиологик жиҳатдан мажмуавий тарзда ва замонавий лаборатор усулларни қўллаб янада атрофлича тадқиқ этиш тақозо этилади.

Шундай қилиб,

1) вилоятда аҳолининг ОИВ инфекцияси билан касалланишини бошқаришга қаратилган тадбирлар эпидемиологик назорат тамойилига ва унинг ҳосиласи сифатида эпидемиологик ташҳисот натижасига асосланиши;

2) аҳоли ўртасида амалга ошириладиган профилактик тадбирлар азалий қадриятлар тикланишига қаратилган ҳолда ва ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларга тақдим этиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар замонавий технологияларга таянган ҳолда мазкур касаллик эпидемик жараёнининг жадаллигини белгиловчи хавф омилларининг мажмуавий таъсирини камайтиришга йўналтирилиши;

3) меҳнат мигрантлари ОИВ инфекциясининг профилактикаси борасида мақсадли (унификацияланган) дастур асосида

ўқитилиши, сафар қилинадиган давлат у
ердаги эпидемик вазият инобатга олинган
ҳолда танланиши;

4) касаллик тиббий ёрдам билан
боғлиқ инфекция тарзида тарқалишининг

профилактикасига қаратилган
фаолиятни инфекцион назорат
тамойили асосида йўлга қўйиш тавсия
этилади

Адабиётлар рўйхати

1. Атабеков Н.С. с соавт. О выявляемости ВИЧ-инфекции в Узбекистане // Ж. Теоретической и клинической медицины. – Ташкент: 2015, №4, спец. выпуск. стр.-163-165.

2. Глобальная стратегия противодействия СПИДу на период 2021-2026 гг., ЮНЭЙДС, Женева, 2020

3. Глобальная статистика по ВИЧ. ИНФОРМАЦИОННЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ, 2023.- 6 с.

4. Юлдашев К.Х., Умиров С.Э., Юлдашев Т-М.К. Антиретровирус терапияси фонида инсон иммунтанқислиги вируси генетик вариантларининг мониторинги Ж. Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени. - №4 (101), 2020.- б. 88-90

